



**Наманган шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар
ташиш ҳақининг янги тарифини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 сентябрдаги “Шаҳарда ва шаҳар атрофида катнайдиган йўловчи ташиш транспорти хизматларининг тарифлари тўғрисида”ги 455-сонли қарорига асосан ҳамда Наманган шаҳар ҳокимининг 2014 йил 14 майдаги 01/19-1339-сонли, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2014 йил 16 июндаги МА/15-04-19-12/74-803-сонли хатларини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Наманган шаҳар ҳокими (Б.Бекходжаев) ва “Наманган йўловчи ташиш” ДУАК Наманган шаҳридаги йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, йўналишлардаги автобусларни белгиланган тартибда фаолият кўрсатиши юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрсин.

2. Наманган шаҳрида 2014 йил 1 июлдан йўловчилар транспортида йўловчиларни бир мартаба ташиш хизмати тарифи 600 сўм миқдориди белгилансин.

3. Наманган шаҳар ҳокими (Б.Бекходжаев), “Ўздарётранс” агентлиги вилоят бўлими (Б.Абдурахимов) ва “Наманган йўловчи ташиш” ДУАК (Н.Сайдуллаев)га:

- келгусида йўналишдаги транспортларни ҳаракатланиши учун аҳолини ҳаракатланишидан келиб чиққан ҳолда мониторинг ўтказиб, йўловчи ташиш транспортини иш режимига аниқлик киритиш ва уларнинг сонини кўпайтириш;

- йўловчи ташиш транспортлари томонидан ҳаракатланишда график ва оралиқ масофаларга амал қилиниши устидан назорат ўрнатиш;

- вилоят ИИБ ЙХХБ (Т.Азимов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Валиев) билан биргаликда йўловчи ташишда ноқонуний фаолият кўрсатаётган транспортлар воситаларининг фаолиятига чек қўйиш ва

қонунда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўриш юзасидан рейдлар ўтказиб бориш;

- “Наманган йўловчи ташиш” ДУАК иш самарадорлигини ошириш, барча харажатларини қоплаш, ишлаб чиқариш харажатларини мақбуллаштириш, ноишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, ёнилғи мойлаш материалларидан оқилона фойдаланиш юзасидан доимий ва тизимли иш ташкил этиш;

- йўловчи ташиш транспортларини ҳаракатланиши бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, жумладан транспортларнинг ҳаракатланиши устидан “он-лайн” режими асосида масофавий назорат (GPS) тизимини жорий этиш вазифалари топширилсин.

4. Мазкур қарор вилоят телерадиокомпанияси, “Наманган ҳақиқати”, “Наманганская правда” газеталарида расман эълон қилинсин.

5. Вилоят ҳокимининг 2011 йил 29 сентябрдаги 248-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Т.Дадабаев зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Б. Юсупов